2010 йил 11 ноябрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 218 (11.779)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ, МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА ЖИҲОЗЛАШ БЎЙИЧА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш натижасида республикада халқаро стандартларга мос келадиган узлуксиз мажбурий умумий ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг 12 йиллик тизими вужудга келтирилди. 1536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, амалда барча умумтаълим мактаблари, таълим муассасалари қошидаги 1817 та спорт заллари намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди, мукаммал реконструкция қилинди ҳамда замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва ўқув асбоб-анжомлари билан жиҳозланди.

Таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва муттасил янгилаб боришни таъминлаш, уларни тизимли асосда энг замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва асбоб-анжомлар билан қайта жиҳозлашни, шунингдек, илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Жамғармага келиб тушаётган маблағларни кейинчалик улардан таълим муассасалари – умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) мақсадида фойдаланиш учун жамлаш;

таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шу жумладан, зарур ҳолларда ўқув корпусларини ўқув устахоналари ва лабораториялар билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш;

замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тасдиқланган норматривлардан келиб чиқиб, таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси ҳамда ахборот-коммуникация таълим технологияларининг бошқа элементлари билан, шунингдек, ўқув мебели ва асбоб-анжомлари билан тизимли қайта жиҳозлаш ҳамда тўлиқ жиҳозлашни молиялаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг барча актив ва пассивлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармага топширилади.

4. Қуйидагилар Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ажратмаларни тўлашдан тушадиган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

халқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари (қарзлари);

хайрия қилувчилар – юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Қуйидагилар:

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркиби 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сонини 4 нафарга кўпайтирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг марказий аппарати таркибида бошқарув ходимлари сони 7 нафардан иборат Жамғарма Ижроия дирекциясининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидагилар:

ҳудудий молия бошқармаларининг тузилмасида молия органлари бўйича белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида 2 нафар ходимдан иборат Жамғарма маблағларини ҳисобга олиш, улардан фойдаланишни таҳлил ва мониторинг қилиш шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг белгиланган ходимлар сони доирасида 3 нафар ходимдан иборат Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг операцион бошқармаси тузилмасида 2 нафар ходимдан иборат ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармаларининг операцион бўлимларида молия органлари учун белгиланган ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида 1 нафар ходимдан иборат шўъба;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тузилмаларида бошқарув ходимлари сони марказий аппаратларда 3 нафардан иборат бўлган таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг манзилли рўйхатларини шакллантириш ва мониторинг қилиш гуруҳлари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармаларида мазкур тузилмаларнинг белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида 2 нафардан иборат тегишли шўъбалар ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг тузилмасига туман (шаҳар) молия бўлимларидаги тегишли лавозимларни қисқартириш ҳисобига таълим муассасалари биноларининг техник ҳолати, инфратузилмаси ва жиҳозланиши масалалари бўйича 1 нафардан мутахассис (муҳандис) лавозимини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг маблағларидан, айниқса, таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва анжомлар билан тўлиқ жиҳозлаш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб ва оқилона фойдаланиш устидан тизимли асосда доимий мониторинг олиб борсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иштирокида ҳудудлар бўйича таълим муассасаларини реконструция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга оид таклифларни шакллантирадилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тасдиқлаш учун белгиланган муддатдан уч ой олдин ана шу таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига киритадилар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига келиб тушадиган маблағлар доирасида Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастурининг узил-кесил параметрларини шакллантирадилар ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси киритиладиган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этадилар;

Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастури ҳар йили тасдиқланадиган Инвестиция дастурига мустақил бўлим сифатида киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда Жамғарма тўғрисидаги Низомни ҳамда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини тайёрласин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қуйидагилар:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича буюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати зиммасига;

таълим муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича буюртмачи вазифаси, берилган ваколатлар доирасида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази зиммасига юклансин.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни, таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базаси негизида замонавий таълим технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг ижобий тажрибасини кенг ёритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси тўғрисидаги Низомни, таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини, шунингдек, таълим стандартларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва анжомлар билан жиҳозлашнинг янгиланган норматривларини тасдиқласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 10 ноябрь*

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида халқ депутатлари Бухоро ва Сирдарё вилоят Кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бажарилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.**

**● Жиззах шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минги-иллик ривожланиш мақсадлари дастури ва ёш авлоднинг баркамол ривожланишини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

**● Қуёш нури экологик тоза, табиий электр энергияси ҳосил қилишда қулай ва арзон манба ҳисобланади. Навоий вилояти Қизилтепа тумани марказий тиббиёт бирлашмасининг туғруқхона мажмуасида, Нурота туманидаги «Чуя» қишлоқ врачлик пунктида электр таъминотида узилишлар рўй бериб турарди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳомийлигида бу ерга қуёш энергияси батареялари ўрнатилиб, мазкур муаммо бартараф этилди.**

**● Қашқадарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотларига кўра, 2011 йил ҳосили учун воҳа миришкорлари 145 минг гектар суғориладиган ерга ғалла уруғи қададилар. 63 минг гектар лалми майдонда экиш ишлари давом этмокда.**

### ЖАҲОНДА

**● Париж шаҳар суди Франциянинг собиқ президенти Жак Ширакка нисбатан иккинчи айбловни эълон қилди. «Bloomberg» нашри ёзишича, у 1977 йилдан 1995 йилгача, яъни Париж шаҳар мэриясини бошқарган пайтда қалбаки лавозимлар жорий этиб, уларнинг маошини сиёсий ҳамкорларига ўтказиб берганликда айбланмоқда.**

**● 28 ноябрда Миср Халқ мажлиси (парламентнинг қуйи палатаси)га сайловлар бўлиб ўтади. Мамлакат Марказий сайлов комиссияси маълум қилишича, парламентнинг 508 та мандати учун 5725 нафар даъвогар номзод сифатида иштирок этиш учун ариза берган.**

**● Япониянинг «Toyota» автомобилсозлик компанияси ички бозор ва Европага сотилган 136 минг дона машинасини қайтариб олишини маълум қилди. Мазкур автомобиллар «iQ» ва «Passo» русумида бўлиб, бошқарув тизимида нуқсон борлиги аниқланган.**

**● Американинг Аэронавтика ва фазовий кенгликлари тадқиқ қилиш миллий агентлиги «NASA» кўп марта фойдаланиладиган «Discovery» шаттлининг Ер орбитасида ўн йилдан ортиқ вақтдан бери фаолият юритаётган Халқаро космик станцияга парвозини тўртинчи бор қолдирди.**

**● «Yahoo» компанияси интернет орқали телеканалларни намойиш этиш лойиҳасини амалга ошириш истагида бўлган ҳамкорлар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, яқин орада «Yahoo» ҳамкорлари билан биргаликда интернет ҳамда телевидениени ўзида мужассам этувчи янги дастурни бозорга чиқаради.**

Кўргазмалар

# ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**Мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлик ришталари ҳар томонлама ривожланиб бормоқдаки, буни КЕЧА «Ўзкўргазмасавдо»марказида очилган ва кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётган «Mini-Tech UZ» – иккинчи саноат маҳсулотлари ва жиҳозлари халқаро кўргазмаси ҳам ёрқин исботлаб турибди.**

Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон-Хитой савдо уйи билан ҳамкорликда «Камолот» ЁИҲ ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди. Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидлаб ўтилганидек, асосий мақсад хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ишбилармонлар учун тўғридан-тўғри иш юзасидан мулоқотларни ташкил этиш, кичик бизнес субъектларига қўл келадиган ускуна ва хизмат турларини намойиш этиш, иштирокчи фирма ва компанияларнинг энг сўнгги ютуқлари билан таништиришдир. Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ривожи хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.



ХХР Савдо бошқарувини ривожлантириш ва алоқа маркази бошлиғи Тэн Ю Жин мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорлик ришталари аҳамиятини таъкидлаб, юқори савияда ташкил этилган кўргазма фойдали келишувларга бой бўлишига, тадбиркорларни янги изланишларга чорлашига умид билдирди.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган катта эътибор боис уларнинг сафи кенгайиб, иқтисодиётимизга ҳиссаси ортиб бормоқда, — деди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Сардор Исанбоев. — Кўргазма, дарҳақиқат, икки давлат тадбиркорларига янги ҳамкорлик қирраларини очиб беришига ишончимиз комил.

Кўргазмада ҳамкор давлатнинг 50 дан зиёд компания ва фирмалари, шунингдек маҳаллий кичик бизнес субъектлари ўз маҳсулотларини, жиҳоз ва технологияларини ҳамда хизматларини намойиш этмоқда. Бу ерда қурилиш материаллари, парфюмерия ва косметика буюмлари, чой ва ширинликлар, фармацевтика маҳсулотлари, қуруқ мевалар — сирасини айтганда, иштирокчиларнинг энг сўнгги ютуқларини кузатиш мумкин.

— Кўргазмада кичик бизнес субъектларига қулай бўлган айланма тўқимачилик дастгоҳини намойиш этаяпмиз, — дейди Хитойнинг «Tai Fan» компанияси мамлакатимиздаги ваколатхонаси ходими Анварилла Муҳамедхўжаев. — Қизиқиш катта бўлмоқда. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айни пайтда компаниянинг 120 дан зиёд тўқимачилик дастгоҳлари ўзбекистонлик тадбиркорлар томонидан трикотаж мато тайёрлашда муваффақиятли қўлланилмоқда.

— Ўзаро ҳамкорлик, бир-биримизнинг ютуқларимиздан воқиф бўлиш, тажриба алмашиш ривожланишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди кўргазма иштирокчиларидан яна бири — хусусий тадбиркор Руҳилла Сайфуллаев. — Ҳамкорларимизнинг минитехнологиялари маҳсулот турларини кенгайтиришда қўл келади. Ўз навбатида, бизнинг табиий жундан ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизга хитойлик тадбиркорлар ҳам қизиқиш билдирмоқда. Бу борада тўрт кун давом этадиган кўргазма, албатта, икки томонлама манфаатли шартномалар тузишга хизмат қилади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

# ИШБИЛАРМОНЛАР МУЛОҚОТИ

**Пойтахтимизда куни кеча Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, машинасозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кимё саноати каби қатор соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси Ш.Файзуллаев Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Савдо-иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2009 йили 8,2 фоиз ошди. Юртимизда уч юз элликдан зиёд Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси, Жанубий Кореядаги тўқсонга яқин фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, енгил саноат, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир.

Форумда кореялик ишбилармонларга Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг имкониятлари билан танишди. Хусусан, ушбу зонани ривожлантириш икки томонлама ҳамкорликнинг устувор ва истиқболли йўналишларидандир. «Кореан Эйр» компанияси билан ҳамкорликда бу ерда қитъалараро интермодал логистика маркази барпо этилди. Бу марказ глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланиб бормоқда.

Анжуманда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

Тадбирда Корея Республикасининг «KOGAZ», «KANGV», «Kwangshin», «Eroom G&G», «Engine Tech», «NK» каби кўплаб фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди. Бу эса Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит туфайли кореялик бизнесменларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликни кенгайтиришга эътибори кучаяётганидан далолатдир.

– Ўзбекистонда табиий газнинг улкан заҳиралари бор, – деди ЎзА мухбирига Корея Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги иқлим ва ҳаво сифати департаменти директорининг ўринбосари Кук Хюн Су. – Ушбу форум транспорт воситалари, хусусан, автомобилларни суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказиш, шу мақсадда автогаз тўлдирувчи компрессорлар ва автогаз қуйиш станциялари барпо этиш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилиш учун қулай имконият бўлди. Шунингдек, автомобилларнинг газ билан ҳаракатланиши оқибатида келиб чиқадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш борасида ҳам фикр алмашдик.

Бизнес-форумда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, транспорт ва логистика, саноат, нефть-газ каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Жанубий Корея фирма ва компанияларини Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнига янада кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА**

**ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонасида Халқаро фан куни муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда экспертлар, ёш олим ва тадқиқотчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

# ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Фанлар академияси бош илмий котиби Б.Иброҳимов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Эспинал, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг масъул котиби А.Икромов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида илм-фаннинг турли йўналишларидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва амалиётга татбиқ этишда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ватанимиз ҳамиша катта илмий салоҳиятга эга мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига жалб этган. Бугунги кунда юртимиз илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлар, олий ўқув юртлари қошидаги илмий муассасалар, конструкторлик бюролари фаолиятини янада яхшилаш ва такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бораётган олимлар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийликни янада мустаҳкамлаш юзасидан кенг қамровли ишлар бажарилаётир. Бу борадаги улкан ўзгаришлар халқаро миқёсда ҳам катта қизиқиш уйғотяпти.

Юртимизда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда аниқ, табиий, ижтимоий фанларни янада ривожлантириш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, илмий муассасалар фаолияти, уларнинг ютуқларини кенг тарғиб этиш юзасидан бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Урганч давлат университети билан ҳамкорликда тупроқ шўрланишининг олдини олиш, Тошкент ахборот технологиялари университети илмий маркази билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, умумтаълим мактаблари учун ичимлик сувининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича физика ва кимё фанларига оид ўқув қўлланмаларини яратишга доир лойиҳалар шулар жумласидандир.

Тадбирда юртимиздаги кучли интеллектуал салоҳият самараси бўлган илмий тадқиқотлар жаҳон илм-фани жамоатчилиги эътиборини қозонаётгани, бу борадаги изланишларни янада кучайтириш учун барча имкониятлар етарли экани, нуфузли хорижий илмий муассасалар билан ўрнатилган узвий ва мустаҳкам ҳамкорлик бунда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

**(ЎзА)**

Иқтисодиёт

# ХАЛҚАРО СИФАТ ТИЗИМИГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

**Инсон саломатлиги ҳамма нарсадан афзал. Соғлиқни асраш, уни мустаҳкамлаш учун дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам буни яхши англайди.**

«Radiks» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида 80 турдан зиёд дори-дармон тайёрланади.

Барча соҳаларда каби фармацевтика йўналишида ҳам босқичма-босқич ислоҳотлар амалга оширилмоқда. «Radiks» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда маҳаллийлаштириш дастури доирасида тегишли ишлар бажарилди.

Жумладан, маҳаллийлаштириш дастури бўйича лойиҳалар татбиқ этилиши натижасида ўтган йилда 643 миллион сўм иқтисод қилинган бўлса, жорий йилнинг ярим йиллигида бу кўрсаткич 686 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу маблағлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, хом ашё ва бутловчи материаллар сотиб олиш, янги препаратларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилмоқда.

2009 йилда корхонада 8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, жорий йилнинг олти ойи мобайнида ушбу кўрсаткич 12 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Айни пайтда халқаро сифат тизимига эришиш йўлида ҳаракат қилинмоқда.

# МАХСУС МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАНАДИ

**Бугунги кунда илғор технологиялар асосида янги лойиҳалар устида изланишлар олиб бораётган корхоналар кўпайиб бормоқда.**

«Maxsus mebel» хусусий корхонасида ички ва ташқи бозорни ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган мебель маҳсулотлари юксак дизайни жиҳатидан бемалол рақобатлашмоқда.

Корхонада халқ таълими муассасалари, меҳмонхона, офис ҳамда хонадонлар учун ўзга хос махсус мебель турлари тайёрланади.

— 2001 йилда иш бошлаган бўлсак, — деди корхона директори Қаюм Зоҳидов, — ҳозида сафимиз уч бараварга кенгайди. Йигирмадан зиёд мебелсозларимиз замонавий ускуналар қувватидан унумли фойдаланган ҳолда йилдан йилга маҳсулот ҳажмини ошириб бормоқда. Дизайнерлар малакаси ҳам бу борада алоҳида ўрин тутади. Рақамларга қисқагина тўхталадиган бўлсак, ўтган йилда 500 миллион сўмлик буюртма бажарилган бўлса, жорий йилда 630 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, «Maxsus mebel»да янги лойиҳалар устида ишлар давом этмоқда. Кўплаб кўрик-танлов, кўргазма, саноат ярмаркаларда корхона маҳсулотлари эътирофга сазовор бўлиб, янги ҳамкорлар, буюртмачилар орттирилмоқда.

Келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, юксак қувватли технологик линиялар ўрнатиш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

# МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**2008 йилда иш бошлаган «My loely Asia Co» хорижий корхонаси маҳсулотлари ички бозорда ўз ўрнини топган. Бозорни ўрганиш асосида иш юритиш, илғор технологияларни қўллаш орқали бугунги кунда бу ерда 50 турдан зиёд ювиш ва тозалаш воситалари ишлаб чиқарилмоқда.**

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий мутахассислар ҳамкорлигида корхонада шампунь ва совуннинг янги турлари, идиш-товоқлар учун гель, суюқ ювиш воситалари, кукунли порошок тайёрланиб, мижозлар мамнун қилинмоқда.

Модернизация ишлари ҳам давом этмоқда. Шу асосда янги маҳсулот турлари тайёрланмоқда. «ПВА» елими ишлаб чиқарила бошланди ва харидорини ҳам топмоқда. Технологик жараёнлар тизимли кечиши, сифатли хом ашё, керакли қўшимчалар маҳсулот рақобатбардошлигини таъминламоқда. Корхонанинг бугунги кунда 200 дан зиёд буюртмачиси бор.

Келгусида ҳам имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш саъй-ҳаракатида бўлган «My lobely Asia Co» хорижий корхонасида технологик жараёнларни янгилаш ишлари давом эттирилади. Ички бозор билан чекланиб қолмай, маҳсулотни экспорт қилиш ҳам мақсад қилинган.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Янги лойиҳалар

# ТАЛАБАЛАР ФЕСТИВАЛИ

**Бундан тўққиз йил аввал Юртбошимиз ташаббуси билан ёшларни бирлаштириш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, фарзандларимиз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллашига кўмаклашиш мақсадида «Камолот» ЁИҲ ташкил қилинган эди.**

Ўтган йиллар давомида ҳаракат томонидан ўз олдидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида талай ишлар қилинди. Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом, юртга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди ва ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган хайрли ишларни амалга оширишда тегишли давлат ва жамоат тузилмалари ҳамкорлигида ҳам бир нечта янги лойиҳалар татбиқ этилди. Талаба-ёшларнинг таклиф ва истакларидан келиб чиққан ҳолда республикамиз миқёсида «Талабалар фестивали» ўтказилиши ҳам саъй-ҳаракатлар бардавомлигидан далолатдир.

19-23 ноябрь кунлари биринчи босқичда кўҳна Бухоро шаҳрида ўтказиладиган «Талабалар фестивали»да республикамиздаги 73 та олий таълим муассасаларидан 500 дан зиёд иқтидорли ёшлар иштирок этади.

Шу муносабат билан **кеча** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда фестиваль доирасида уюштирилиши кутилаётган турли тақдимотлар, илмий-амалий семинарлар, ёш ижодкорларнинг экспресс- расмлар танлови, ижодий кўргазмалар ҳақидаги мулоҳазали, мунозарага чорловчи фикрлар билдирилди.

– Ёшлар бугунимиз, ёруғ кунларимизнинг асл бунёдкорлари, – деди «Камолот» ЁИҲ марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳамаджонова. – Ўғил-қизларнинг шижоати, ақл-идроки, иқтидори, изланиш ва интилишлари ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Дунё нигоҳидан уларнинг фаолиятига назар солар эканмиз, ёшларимизнинг нафақат республикамизда, балки чет мамлакатларда ҳам қўлга киритаётган ютуқлари фахр ва ифтихор бахш этади. Бевосита Президентимиз ғамхўрлиги остида ёш авлод манфаати йўлида яратилаётган шароитлар, чексиз имкониятлар бугун ўз бўйини кўрсатмоқда. «Талабалар фестивали»нинг ўтказилиши ҳам ушбу имкониятларнинг яна бир кўриниши. Бу тадбир энг иқтидорли, изланувчан, яратувчан ёшларимизни кашф қилиб, уларни рағбатлантиришда нурли бир манзил ҳисобланади. Умид қиламизки, фестиваль талабаларнинг юрагида ўчмас из қолдиради ва уларни янада ҳаракатчан, янада фаол бўлишга, ўз устида тинмай ишлашга, изланишга чорлайди. Шунингдек, Бухоро шаҳрининг кўҳна бағрида яна бир машъала ёқишга замин яратади.

«Камолот» ЁИҲ, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилаётган фестиваль ёшларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш, илм-фан соҳасидаги ютуқларини рағбатлантириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини янада кучайтиришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз. Дарҳақиқат, жамиятнинг муҳим ҳаракатлантирувчи омили ёшлар экан, уларнинг фаоллиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Иқтидорли талабаларнинг изланишларини қўллаб-қувватлаш, илмий салоҳиятини ошириш мақсадида фестиваль доирасида халқаро анжуманлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган. Бунда турли соҳаларда фаолият юритаётган ўзбекистонлик ва хорижлик экспертлар ҳам иштирок этади.

Шунингдек, «Камолот» ЁИҲ томонидан таъсис этилган «Камолот» таълим гранти ва «Камолот» стипендияси совриндорларини тақдирлаш маросимлари ҳам ушбу тадбир доирасида ўткаазилади.

Ёшликни, гўзалликни, шижоат ва чексиз билимни ўзига шиор қилиб олган ушбу фестиваль ёшларимизни янада ҳамжиҳатликка, бирдамликка ва ҳамкорликка чорлайди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

